

## **IMPROVING THE TECHNOLOGY OF USING AERATED CONCRETE BLOCKS IN RESIDENTIAL BUILDINGS UNDER CONSTRUCTION IN UZBEKISTAN**

Isroilov S I

Samarkand State Institute of Architecture and Construction, Associate Professor of  
"Construction Technology and its Organization", Ph.D., Uzbekistan  
e-mail: israilovsultankul@gmail.com,

Parmanov MN

Samarkand State Institute of Architecture and Construction Master of the Department  
"Construction Technology and its Organization",  
murodqosimparmanov@mail.ru Uzbekistan

### **Annotation**

The use of energy-efficient gas blocks in residential buildings, along with accelerating the construction process in the late twentieth and early twenty-first centuries, significantly reduces the load on the load-bearing structures of the building, significantly increases the cost of the building and increases the quality of the building. became one.

In this environment, where modern technology is still evolving and new and convenient forms are being developed, the use of energy-efficient gas blocks in our current construction is not only in our opinion, but also in the interests of other researchers. Therefore, in the near future, further improvement of the use of energy-efficient gas units is one of the most pressing issues in the development of construction technology. The article describes the real experience, scientific research and results of our country in improving these technological processes.

**Keywords:** Foam block, aerated concrete penablock, ceramic ceramics; energy efficient; digestive weight; thermal isolation; zil zila.

### **Кириш**

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, халқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлган қурилишга эътибор тобора кучайиб борди. Биз бу жадалликни президентимиз Шавкат Мирзиёев бутунжаҳон инвесторларини Ўзбекистонга жалб қилганидан кейин янги босқичга кўтарилганини бевосита гувоҳи бўлдик ва ҳозир ҳам уни бевосита гувоҳимиз. Ҳозирда қурилиш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар унинг савияси ва сифат даражасини фақат оширишга хизмат қилмоқда. Қурувчиларимиз билан ҳамкорликда ишлаётган чет эл мутахассислари томонидан барпо этилаётган Ситйлар, уларнинг бизни хайратда қолдирадиган даражадаги баландлиги ва кўркамлиги бизни янада чуқурроқ билим олишга ва уларни

ишни замонавий тарзда олиб боришини кузатиб, ўзлаштириб ўзимизга тадбиқ қилишга ундамоқда.

2019 йил мобайнида Оҳангарон шаҳрида, Ангрен эркин иқтисодий зонасида Германиянинг «WEHRHANN» фирмаси билан ҳамкорликда янгизавод ишга туширилди. Автоклав ёрдамида қотирилувчи газобетон блоклар ишлаб чиқаришга мўлжалланган бу инноватсион завод ноёб иш услуги ва тизимига эга бўлиб, у йилига 500.000 м<sup>3</sup> маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. 2018 йилнинг 29-30 август кунларида Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган халқаро иқтисодий анжуман давомида хорижий инвесторлар билан умумий қиймати 130 млн. евролик меморандумлар имзоланганди. Келишувга кўра «EAST MINING INVEST» МЧЖ ва соҳанинг дунё бўйича етакчи компанияларидан бири бўлган WEHRHANN» (Германия) фирмаси ўртасида автоклав ёрдамида қотирилувчи газобетон блоклар ишлаб чиқарувчи, йиллик умумий қувватлари 2.050.000 м<sup>3</sup> бўлган бешта завод қуриш режалаштирилган. Бундай қурилиш соҳасидаги лойиҳалар халқимизнинг яшаш шароитини янада яхшилашга хизмат қилади.

#### **Тадқиқотларимиздаги илмий янгиликлар**


Дунё мамлакатларида биноларга сарф бўлаётган энергия миқдорини имкон қадар камайтириш қурилиш технологиясини илмий техникавий ривожлантириш ва уни ташкил қилиш асослари сифатида энергия тежамкор газоблоклардан фойдаланишни такомиллаштириш биноларни барпо қилишда энг истиқболли ёндашув эканлигини ҳозирги замонда бевосита гувоҳимиз.

Ҳозирги вақтда қуриладиган ва реконструкция қилинадиган бинолар ғишт деворлар энергия самарадорлигини ошириш ҳолатини ўрганиш шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда бу вазифани ғишт деворларда техник, меъморий-бадий ва иқтисодий талабларга жавоб берадиган янги технологиялар асосида ҳам амалга ошириш ва ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

Газбетон блок иқтисодий жihatдан арзон бўлган уй-жой ёки техник мақсадлардаги биноларни қуришда девор қурилиш материаллари орасида энг машхурларидан бири ҳисобланади. Замонавий қурилиш бозорида газбетон блоклар уйларни қуриш учун ҳам яқка тартибдаги қурилиш учун, ҳам маиший ва саноат мақсадларида ишлатиладиган энг машхур қурилиш материалларидан биридир.

Газблокни яна бир қулайлик тамони шундаки, ҳажми бўйича, 1 дона ўлчамлари 600x300x200 мм бўлган газблок, ўлчамлари 250x120x60 мм бўлган керамика ғиштнинг 20 донасининг ҳажмига тенг. Маркаси D600 бўлган газблокни 1 м<sup>3</sup> ини оғирлиги 652 кг лигини ҳисобга олсак, ўлчамлари 600x300x200 мм бўлган газблокни оғирлиги 23,47 кг ни ташкил этади, 1 дона керамика ғиштнинг оғирлиги эса 3,5 кг, оғирликдаги фарқ 46,53 кг ни ташкил этади.

1 м<sup>3</sup> деворга ўлчамлари 600x300x200 мм бўлган газоблокдан 18 дона кетишишини ҳисобга олиб, 1 м<sup>3</sup> деворга ўлчамлари 250x120x60 мм керамика ғиштдан 400 дона сарф бўлади, иккаласини оғирлик жихатидан фарқи газоблок керамик ғиштга нисбатан 69.83 % енгил эканлигини кўриш мумкин. бу пойдеворга босимни сезиларли даражада пасайтиради, бинони зил зила бардошлилигини оширади ва қурилиш вақтини сезиларли даражада қисқартиради.



Одатда кўп қаватли биноларни қуриш учун бундай блоклардан фойдаланилади. Газоблоклардан катта ўлчамли кўп қаватли биноларни қуришда фойдаланилади, чунки бу материаллар енгиллиги ва иссиқлик ўтказувчанлиги паст бўлганлиги билан ажралиб туради.

### Қурилиш ва иссиқлик изолятсияси.

Газоблокларнинг ушбу пастки типлари универсал деб ҳисобланади. Улар ўзларига мукамал қувватлилик хусусиятларини, шунингдек яхши иссиқлик изолятсияси хусусиятларини тўплашди. Бундай материаллар юк кўтарувчи деворлар ёки ананавий қисмларни қуриш учун жуда яхши.

Баландлиги (мм)	Эни (мм)	Узунлиги(мм)	Оғирлиги (кг)
75	200	600	6
100	200	600	7
125	200	600	8
200	250	600	16
250	200	600	16

Ҳар бир қурилиш материали ўзига хос фойдаланиш хусусиятларига эга. Албатта, газбетон бетон ҳам уларга эга.Шуни ҳам ёдда тутишимиз керакки, юқори ғоваклилиги

бўлган газбетон блокларнинг иссиқлик изолятсияси каттароқ, ғоваклилиги камроқ кучга эга, шунинг учун дизайн ҳисоб-китобларини бажаришда девор қурилишининг барча жиҳатлари ҳисобга олиниши керак. Юк кўтарувчи деворларни табиий равишда катта кучга эга бўлган газбетондан кўтариш керак ва ички қисмлар учун ғоваклилиги юқори блоклардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Хулосалар**

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки энергиясамарадор газоблоклардан фойдаланиш, бинони юк кўтарувчи конструкцияларига тушаётган юкларни сезиларли даражада камайтиради ва бинони зил зила бардошлилиги ортади.

Ҳозирги кунда турур жой биноларида фойдаланилаётган газоблоклар бинонинг иссиқлик изолятсиясига ҳам, ўзининг ижобий тамонлари билан таъсир кўрсатиб, қурилиш муддатини камайишига ҳам асос бўлади.

### **Адабиётлар:**

1. Атаев С.С. Данилов Н.Н., Прыкин и др. Технология строительного производство. – М.: Стройиздат, 1983, 550 с.
2. Аннаховский Л.Н. и др. Сборник задач по технологии и организации строительного производства. –М., 1967, 360 с.
3. Голеев Б.М. Общестроительные работы. Норма расценки и правила. Киев, 1984.
4. Литвинов О.О. "Технология строительного производства", Киев изд. "Высшая школа", 1978 г., - 455 с.
5. Умурзоқов Э.К. Хамидова М.А. Бино ва иншоотларни барпо этиш технологияси. «Фарғона» нашриёти 2002. 192 б.
6. ШНК 3.01.01-03. Қурилишни ташкил қилиш. /Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. –Тошкент, ИВЦ АҚАТМ, 2003. 23 б.
7. ҚМҚ 3.01.02-00 Қурилишда техника хавфсизлиги /Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. –Тошкент, ИВЦ АҚАТМ, Т., 2000.
8. Интернет сайтлари. <http://gazobloki.uz/ru/>.